2013 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (12.350)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ахборот-коммуникация технологиялари

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиали умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида янги таълим ресурсларини яратиш борасида изланишлар олиб борилаётир. Уларнинг макет ва сценарийлари пойтахт мактабларининг интерфаол доскалардан фойдаланиш ва ўқув электрон ресурсларини ишлаб чиқиш малакасига эга бўлган илғор ўқитувчилари томонидан яратилмоқда.

Бугунги кунда тараққиётни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистонда таълимни ахборотлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори масофавий ўқитиш тизимини шакллантириш, замонавий таълим ресурслари ва порталлар яратиш ҳамда таълимни янада ахборотлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари асосида электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва таълим жараёнига жорий этиш орқали умумий ўрта таълим сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Мультимедиали умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилди.

Марказ дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда умумтаълим ресурслари ва порталлари учун видеороликлар ва мультимедиали таълим материалларини ёзиш, монтаж қилиш ва уларга ишлов бериш бўйича мультимедиа студияси фаолият юритмоқда. Тасвирга туширилаётган кўплаб мультимедиа материаллари ва видеороликлар давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган умумтаълим дастурининг турли фанлари бўйича мукаммал видео-дарслар вазифасини ўтайди. Ҳар бир бундай видео-дарсни яратишда пойтахтимиз умумтаълим мактабларининг тажрибали ва ташаббускор педагоглари иштирок этгани нафақат лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилди, балки барча роликларнинг асоси ва тузилиши педагогик нуқтаи назардан қизиқарли ва тўғри бўлишини таъминлади.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Корея Республикаси фонд биржасининг стратегик менежмент бўйича директори Хонг Хи Шин раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча йўналишда, жумладан, молия, қимматли қоғозлар бозори соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи изчил ривожланаётган ўзаро муносабатларни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Таъкидлаш жоизки, Корея Республикаси фонд биржаси қимматли қоғозлар билан муомала қўлами бўйича жаҳондаги энг пешқадам ташкилотлардан, савдо айланмаси бўйича энг йирик ўн фонд биржаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида 2011 йилнинг август ойида имзоланган Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги бош шартнома мазкур соҳада ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Музокарада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 мартда қабул қилинган «Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги бош шартноманинг ижросини таъминлаш жараёнининг бориши, мамлакатимиз фонд бозорини модернизациялаш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Корея Республикаси фонд биржаси ўртасида ягона дастурий-техникавий мажмуани жорий этиш тўғрисида бош шартномага қўшимча келишув имзоланди.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги бош шартнома доирасида Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори учун ягона дастурий-техникавий мажмуани – замонавий сервер ва телекоммуникация ускуналарининг дастурий таъминотини етказиб бериш, мамлакатимиз мутахассисларининг малакасини ошириш, мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштиришни кўзда тутади.

Умумий қиймати 6 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур лойиҳа икки давлат фонд биржалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, Ўзбекистонда он-лайн усулидаги янги фонд биржа инфратузилмасини яратиш учун замонавий ахборот технологияларини жалб этиш, ишбилармонлар учун янги ҳамкорлар топишни янада енгиллаштиришга хизмат қилади.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради, – деди ЎзА мухбирига Хонг Хи Шин. – Мазкур лойиҳа Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган фонд бозорида янада фаол иш олиб бориш учун улкан имкониятлар очишига ишонамиз. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Ирода УМАРОВА

Тошкентда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, ҳуқуқшунослар, олимлар, маҳалла раислари ва фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалла фаолияти ташкилий асосларини такомиллаштириш, вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларининг янги таҳрирда қабул қилиниши ана шу мақсадга хизмат қилади. Ушбу қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчиликнинг таклиф-мулоҳазалари чуқур ўрганилди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида фуқаролар йиғинлари томонидан аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини янада кенгайтиришга оид нормалар ўз ифодасини топмоқда, айрим нормаларга аниқликлар киритилмоқда. Маҳалла органларига ҳудудда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш, сифатли коммунал хизматлар кўрсатилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар берилмоқда.

Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ҳам муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Фуқаролар йиғини раислигига катта ҳаётий тажрибага эга ва аҳолининг ҳурмат-ишончига сазовор фуқаролар сайланишини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳасида номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар белгиланмоқда.

– Маҳалламизда беш минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, ўн саккиз тадбиркорлик субъекти, чиннисозлик, мебелсозлик, кўнчилик, косиблик корхоналари фаолият кўрсатади, – дейди Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги «Оқлон» фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Азимов. – Фуқаролар йиғинлари фаолияти билан боғлиқ қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилиниши аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш, маҳалланинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давра суҳбатида мазкур қонунлар лойиҳаларидаги муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти атрофлича муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **«INTERNATIONAL HOTEL TASHKENT»** меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Педагогик грантлар: ўтмиш тажрибаси – келажакка қадам» мавзусидаги республика илмий анжуман доирасида педагогик грантлар дастури ғолибларини тақдирлаш маросими ташкил этилди.

✓ **ИЧКИ** ишлар вазирлигида мини футбол мусобақасининг якуний финал босқичи ҳамда мусобақада совринли ўринларни эгаллаган жамоаларга мукофотларни топшириш маросими ўтказилди.

✓ **МУДОФАА**га кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Учтепа ўқув спорт техника клуби нодавлат таълим муассасасида вояга етмаган ўсмирлар ўртасида ўқ отиш спорти бўйича Тошкент шаҳар биринчилигининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

✓ **25-27 ФЕВРАЛЬ** кунлари Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси мусиқали театри жамоасининг пойтахтимизга гастроль сафари уюштирилади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Дастлабки тергов ва судлов жараёнида экспертиза ўтказишнинг долзарб масалалари» мавзусида идоралараро минтақавий анжуман ташкил этилди. Тадбирда мамлакатимизда ушбу соҳада бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорлари суд экспертлик фаолиятини халқаро талаблар даражасида янада такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

● Андижон машинасозлик институтида Ўзбекистон халқ демократик партияси вилоят кенгаши ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлими ҳамкорлигида «Фидойи фарзанд бўл, обод Ватанга!» шиори остида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Институт профессор-ўқитувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари, талабалар иштирок этган мазкур анжуманда мамлакатимизда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, бу борадаги давлатимиз сиёсатининг долзарб йўналишлари хусусида сўз юритилди.

● Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтаётган йигитларни кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар ҳамда ёшлар иштирок этди.

● Фарғона вилояти Тошлоқ туманида қишлоқ хотин-қизларининг иқтисодий билимларини ошириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларга мутахассислар томонидан тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар олиш масалалари бўйича батафсил маълумотлар берилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Москва вилоятининг Балашиха шаҳрида жойлашган балиққа ишлов бериш цехида рўй берган ёнғин натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди, шунча одам тан жароҳатлари олди. Цех ичида бўлган 7 киши эсон-омон хавфсиз ерга кўчирилди.

● АҚШнинг шимоли-шарқий ҳудудларида бошланган қор бўронлари мамлакатнинг марказий қисмига ҳам кириб келди. Айни пайтда 20 та штатда қаҳратон қиш ҳукм суряпти. Натижада 80 миллионга яқин аҳоли турли-туман қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Чунончи, Миссуридаги аэропорт фаолияти вақтинча тўхтатилган бўлса, Канзас, Арканзас, Небраска ва Айова штатларида эса таълим муассасалари ёпиб қўйилган. Аксарият кўчаларда транспорт воситалари қатнамаяпти.

● Кеча Афғонистоннинг шарқий қисмида жангарилар томонидан камикадзелар ёрдамида бир қанча террорчилик ҳаракатлари амалга оширилди. Натижада камида уч киши ҳалок бўлди.

● АҚШ кино академиясининг йилнинг энг нуфузли «Оскар» мукофотларининг соҳиблари аниқланди. Жумладан, Буюк британиялик режиссёр Жо Райднинг «Анна Каренина» фильмига энг яхши либослари учун, Кристоф Вальцга иккинчи пландаги энг яхши эркак ролининг ижроси учун, Австриянинг «Севги» фильмига 2012 йилда хорижий тилда яратилган энг яхши фильм учун «Оскар» мукофотлари топширилди.

Инсон ва қонун

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг ҳиссаси катта. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови соҳадаги илғор тажриба ва ютуқларни ўрганиш, тарғиб этиш, милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

«Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг 2012 йил натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган сурат

Қарор ва ижро

САРМОЯДОРЛАРГА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Хорижий сармоя иқтисодиётни ривожлантиришда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу боис мустақиллик йилларида мамлакатимизда саноат ва қишлоқ хўжалик, хизмат кўрсатиш соҳаларини тараққий эттиришга, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда.

Хорижий сармоядорларга мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий асосларни, қулай шароитлар ва имтиёзларни тушунтириб бериш, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда мониторинг олиб бориб зарур ҳолларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш инвестициялар ишонч билан киритилишининг зарур шароитидир. Биз аҳволни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида бундай корхоналарга етказилган зарар қопланишига, айниқса, ўзаро ҳисоб-китобларнинг аниқ ва тўғри йўлга қўйилишига эришмоқдамиз. Керак ҳолларда қонунда белгиланган чоралар ҳам кўрилмоқда.

2013 йил 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳар ҳудудида 1225 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона рўйхатга олинган бўлиб, шундан 1124 таси фаолият кўрсатиб келмоқда. Бўлим ходимлари томонидан бу корхоналарда мониторинг ўтказилди. Муаммолари мавжуд бўлган корхоналарга амалий ёрдам кўрсатилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Мониторинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан 40 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга амалий ёрдам кўрсатилди.

Хусусан, «Wirtgen Tashkent», «UzPaynet» ва «UZKABEL» қўшма корхоналарида аниқланган дебитор қарздорлик юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Ишонч телефонига келиб тушган 34 та мурожаатлар кўриб чиқилиб, уларнинг 15 таси қаноатлантирилди ва корхоналарнинг ҳуқуқлари тикланди.

Бўлимга келиб тушган 164 та мурожаатларнинг 153 таси кўриб чиқилган ва 86 таси қаноатлантирилган. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижасида судларга 155 та даъво аризалари, назорат қилувчи ва бошқа идораларга 20 та тақдимнома, 16 та ёзма кўрсатма ва 20 та огоҳномалар киритилган.

Киритилган таъсир чоралари натижасида ноқонуний қабул қилинган қарорларни тўхтатиш ва бекор қилиш чоралари кўрилмоқда.

Масалан, Сергели тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази 2012 йил 31 январда 1-МЖ-сонли қарор қабул қилиниб, «Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ бош директорига нисбатан корхона ҳисобидан яратилмаган 1 та иш жойи учун ходимнинг йиллик ўртача иш ҳақи миқдорида, яъни 3 313 200 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланган.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан мазкур қарорнинг асослилиги ўрганилиб, уни бекор қилиш юзасидан Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасига тақдимнома киритилган.

Натижада, Сергели тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан 2012 йил 31 январда «Тошкент рангли металл парчалари ва резги-чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ раҳбарига нисбатан 3 313 200 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисида қабул қилинган қарор бекор қилинган ва қонун бузилиш ҳолатига йўл қўйган мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

Адлия идоралари томонидан хорижий инвестициялар шу зайлда ҳимоя қилиб келинмоқда.

Маъмур ТЎЙЧИЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Қонунчилик — бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига кўра, қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинганлиги ҳамда бу борада республиканинг барча фуқаролари, мансабдор шахслар, корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан қонунларнинг аниқ, оғишмай бажарилиши ва уларнинг ижро этилиши тушунилади. Қонунларга қатъий риоя қилиш фуқароларнинг ахлоқий бурчи ва конституцион мажбурияти ҳисобланади.

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қатъий интизоми, ички уюшқоқлиги ва масъулияти устувор бўлмаса, қоидалар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатнинг қурилишини тасаввур қилиш қийин.

Албатта, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш бугунги кундаги энг устувор вазифалар сирасига киради.

Ёшларни, қолаверса барча талабаларни тўғри йўлга бошлаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш учун эса аввало барча мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ходимлари, профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳуқуқий билими, ҳуқуқий маданияти билан талабаларга ўрнак бўлиши керак. Шундагина биз талаба ва ўқувчилардан қатъий характерли, эътиқодли бўлишни, қонунларни тушуна олишни, ҳуқуқий маданиятни ва ниҳоят, ҳуқуқий муомаланинг қадрига етадиган бўлиб етишишларини талаб қилишимиз мумкин.

Юртимизда ҳуқуқий давлат асослари бунёд этилмоқда. Бу борада доимо халқ ўртасида, ҳамма ерда, қолаверса, барча билим юрти талабалари, мактаб ўқувчилари орасида ҳуқуқ-тарғибот ишларини амалга ошириш лозимдир.

Ҳозирда қонунчиликни мустаҳкамлашнинг асосий йўналиши — қонун бузилишининг олдини олишдир. Тарбия ишида шахсий ўрнак жуда кучлидир. Кўчада ҳам, уйда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам ҳамма-ҳамма жойда катталарнинг ёшларга ибрат ва шахсий ўрнак бўлишлари муҳим омилдир.

Тарбия иши юксак онг ва маданиятга, чиндан ҳам педагогик билимларга асосланган. Сабр, матонат ва изчиллик билан узлуксиз равишда ҳоримай чидам билан олиб борилиши зарур. Шунинг учун ҳам барча ота-оналар олийгоҳлардаги, профессор-ўқитувчилар ўз тажрибаларига асосланган ҳолда талабалар ўртасида ҳуқуқ-тартибот, яъни тарбиявий ишларни олиб боришлари керак, бунинг учун ота-оналар, олий ўқув юрти педагогик жамоалари билим ва турмуш тажрибаси билан яхши қуролланган бўлмоғи, талаба тарбияси учун чуқур масъулият сезмоғи лозим.

Талабалар ўртасида туман прокуратураси суди ва ички ишлар ходимлари билан тез-тез талабалар турар жойларида, ўқув биноларида ҳуқуқий мавзуларга бағишланган учрашувлар, давра суҳбатларини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Факультетлар, курслар ўртасида ҳуқуқий билимларни синаш юзасидан мусобақалар ўтказилса, худди шунингдек, оилани мустаҳкамлаш, миллий урф-одатлар, ибо, ҳаё каби мавзуларда қизлар ўртасида суҳбат ва кечалар ташкил этилса, яхши хулқи ва тарбияси билан ўрнак бўлган ҳолда ҳам ўқиб, ҳам оилани тебратаётган энг яхши келинлар «ойнаи жаҳон»да ўрнак қилиб кўрсатилса, жуда ўринли иш бўларди.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлатга ўтишдаги асосий вазифаси ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш, жиноятчиликка барҳам бериш, жамиятимизнинг ҳуқуқий негизини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборат. Бу масъулятли вазифани бажариш учун аҳолининг ҳуқуқий онгини ўстириш, мустақил давлатимизнинг муваффақиятларини янада кенгроқ ва чуқурроқ тарғиб этишга ҳаракат қилайлик.

Раъно РАҲИМБЕКОВА,
юридик фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 11-моддаси (Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари)га мувофиқ, инсон ҳуқуқлари ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш, шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши, бурчни аслича бажаришга мажбур қилиш, зарарни тўлаш, неустойка ундириш, маънавий зиённи қоплаш, ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш сингари ҳамда қонунда эътироф этилган ўзга усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.

МАЪНАВИЙ ЗАРАР УНДИРИЛИШИДА ОДИЛЛИК ТАЛАБЛАРИНИНГ ИНОБАТГА ОЛИНИШИ

Қуйида айни вақтда амалий жиҳатдан ўзининг холис ечимини топиши жоиз бўлган маънавий зарар тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Маънавий зарарни вужудга келтирувчи омиллар қаторига қариндошларини йўқотиш, ишсизлик, оила ёки шифокор сирининг ошкор этилиши, инсон шаъни ва қадр-қиммати ёхуд ишбилармонлик обрўсига путур етказувчи ёлғон маълумотлар тарқатиш, шахснинг муайян ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум этиш, шунинг билан биргаликда соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган шикаст ёхуд уқубатлар натижаси ўлароқ келиб чиққан касаллик билан боғлиқ жисмоний оғриқлар, ноқонуний судланиш, қонунга зид тарзда жиноий жавобгарликка тортиш оқибатида юзага келган маънавий азоб кабиларни киритиш мумкин.

Маънавий зарар учун тўланиши лозим бўлган компенсациянинг миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий изтироблар хусусиятига қараб суд томонидан белгиланиб, ушбу ҳолат турли шаклларда, жумладан, зарар етказувчига узр сўраш мажбуриятини юклаш, иш жойига қайта тиклаш, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш ҳамда пул кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Ўзга шахснинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишига исбот бўлувчи ҳолатларни келтира олмаган тақдирда зиён етказилган шахс суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли. Агарда мазкур зиён етказиш жараёнида путур етказувчи шахс томонидан маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, айни ушбу оммавий ахборот воситаларида раддия бериш йўли билан амалга оширилади. Мазкур қайд этилган маълумотлар ташкилотга тегишли ҳужжатларда намоён бўлса, бундай кўринишдаги ҳужжатлар алмаштирилиши ёхуд чиқариб олиниши даркор.

Маънавий зарар жиноят натижасида етказилган ҳолларда жиноят иши юзасидан иш юритув мобайнида моддий компенсация тўлаш тўғрисида даъво аризаси тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Шу йўл билан мазкур масалани ҳал этишда зарар келтирган шахснинг айбдорлик даражасига эътибор қаратилиб, компенсация миқдорини аниқлаш жараёнида одиллик талабларини ҳам инобатга олмоқ жоиз.

1996 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 112-моддасида ишга тиклангач, иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилиб, зарарни қоплаш мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш, меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар) учун компенсация тўлаш, маънавий зарар учун компенсация тўлаш сингари усуллардан иборат бўлиши мумкин. Маънавий зарар учун тўланадиган компенсациянинг миқдорини келтириб чиқаришда иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳо ҳисобга олиниб, ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган ҳолда суд томонидан белгиланади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш натижасида зиён кўрган ходим томонидан киритилган илтимосномага асосан суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига камида уч ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ ундириб бериши ҳам мумкин. Зиён кўрган ходим фойдасига иш ҳақи ундириш муносабати билан иш берувчи — айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбурияти юкланиши мумкин. Мазкур ҳолатда етказилган зарар ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортмаслиги даркор.

Фуқаронинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши боис маънавий зарарни қоплашни тартибга солувчи нормалар юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли тарзда татбиқ этилади. Мазкур кўринишдаги маълумотлар уларни тарқатган шахсдан, агар ушбу маълумотлар тегишли ҳужжатларда акс эттирилган бўлса, маънавий зарар уларни маъқуллаган (гурух) комиссия аъзоларининг ҳар биридан ундирилиши лозим. Судда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво масалалари мулкий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво билан биргаликда ҳам, алоҳида ҳам кўрилиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 163-моддаси 1-қисмига мувофиқ, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Комил ТОЛИПОВ,
Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали бошлиғи
Дурдона ФАЙЗИЕВА,
Ҳамза тумани Ҳакамлик суди судьяси

ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

Яқинда Япония Инсон ресурслари ва саноатни ривожлантириш уюшмасининг Токиодаги бош қароргоҳида «Ўзбекистон саноат корхоналарининг раҳбарлари учун корпоратив менежмент» ўқув дастури ниҳоясига етгани муносабати билан уюштирилган маросим бўлиб ўтди.

Уюшма президенти Казуо Канеко тадбир иштирокчиларини қутлар экан, ўзбекистонлик ёш мутахассислар ва саноат корхоналари раҳбарларининг касбий малакасини юксалтириш бўйича Ўзбекистон — Япония қўшма лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Кунчиқар мамлакатга буюрган расмий ташрифи чоғида имзоланган келишувларнинг ҳаётга татбиқ этилиши доирасида амалга оширилаётганини таъкидлади.

Унинг маълум қилишича, муваффақиятли равишда ниҳоясига етган ўқув дастури доирасида Ўзбекистон вакиллари ўз билимларини оширганлари баробарида ўзларининг ишбилармонлик соҳасидаги бошқарув тажрибаларини бойитдилар. К.Канеко мазкур дастур битирувчилари Японияда орттирган билим ва кўникмаларини ўзларининг амалий фаолиятларида қўллаш орқали Ўзбекистон тараққиёти ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишларидан умидвор эканлигини айтди.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида «**World Business Associates Co., Ltd.» компаниясининг бош маслаҳатчиси профессор Тецуо Ясуи** қайд этиб ўтганидек, ўқув дастури мобайнида ўзбекистонлик мутахассислар Японияннинг етакчи компанияларида бўлишиб, уларнинг фаолиятини ўрганиш орқали корпоратив менежмент бўйича назарий ва амалий билимларини такомиллаштирдилар.

Япония Инсон ресурслари ва саноатни ривожлантириш уюшмасининг бош менежери Ютака Мияхаранинг фикр билдиришича, Ўзбекистон саноат корхоналари раҳбарлари машғулотлар чоғида бошқарув соҳасида юксак билимга эга эканликларини намоён этиб, ушбу йўналишдаги билимларини янада чуқурлаштириш имконига эга бўлдилар. «Бу сингари таълим дастурлари давлатларимиз ўртасидаги стратегик муносабатларнинг янада ривожланиши ва кенгайишига хизмат қилади», деди у.

Маросим чоғида Ўзбекистон вакилларига корпоратив менежмент бўйича ўқув дастурини муваффақиятли якунлашгани тўғрисидаги шаҳодатномалар топширилди.

«Жаҳон» АА
Токио

Бандлик дастури — амалда

ЯРМАРКАДАН — ИШГА

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Ёрқин ҳаёт» маҳалласида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда йигирмадан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса мингдан зиёд иш ўринлари билан қатнашди.

– Токарь, газ электрик, электр машинисти, ҳайдовчиларга эҳтиёжимиз бор, – дейди «Чирчиқ-Оҳангарон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг бўлим бошлиғи Қимматхон Кенжаева. – Корхонамизда саккиз юздан ортиқ ишчи меҳнат қилади, улар махсус кийим-кечак ва тушлик билан таъминланган. Ўндан ортиқ ёшлар бизда ишлаш фикрини билдирди.

Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Холида Низомованинг айтишича, ўтган йили ташкил этилган меҳнат ярмаркалари орқали олти мингга яқин киши иш билан таъминланган. Мазкур ярмаркада ҳам уч юз нафардан ортиқ киши доимий ишга жойлашиш имкониятига эга бўлди.

– «Машҳура» ўқув марказида тикувчилик сирларини ўрганиб, уйда бичиш-тикиш билан шуғулланардим, – дейди Матлуба Дўстмуродова. – Бугун уйимиз яқинида жойлашган «Original textil and print» қўшма корхонасига ишга йўлланма олдим.

Иш билан банд бўлмаган кишилар сартарошлик, тикувчилик, бухгалтерлик, ошпазқандолатчи, бўёқчи, электрик, электр ва газ пайвандчиси, компьютер ва мобиль телефонларни тузатиш устаси каби йигирма беш мутахассислик бўйича касб-ҳунарга ўқитилмоқда. Ўқиш давомида вақтинча банд бўлмаган аҳоли стипендия билан таъминланади ва ўқув курсларини тамомлагач, ишга жойлашиш имконига эга бўлади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Оила — муқаддас Ватан. У халқ ва жамият ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказади. Ўз бағрида фарзандларни тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириб, бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Шу боис ҳам юртимизда оила авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, фарзандлар камолга етадиган азиз даргоҳ сифатида улуғланади.

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ — ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ БИТИМ

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий истиқболига кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам оилаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳуқуқий асосда ҳимояланиб, алоҳида «Оила» боби қайд қилинди ҳамда азалий анъаналаримизни ўзида мужассам этган Оила кодекси ва кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёни бу борадаги эзгу анъана ва урф-одатларимизни янгича маъно ва мазмун билан бойитиб бормоқда. Жумладан, оилавий турмушнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи никоҳ шартномаси оила мустаҳкамлигини таъминлаш, эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларини тартибга солиш ва кафолатлаш каби масалаларда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Оила кодексига биноан, никоҳ шартномаси — никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврда ёхуд эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда, уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувдир.

Оила ҳуқуқий асосларининг узвий бир қисми бўлмиш никоҳ шартномаси, никоҳнинг расмий қайд этилиши, унда иштирок этаётган йигит ва қизнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини юзага келтиради. Оила қураётган бугунги ёшлар ичида бу жараёнгача, тадбиркорлик қобилияти ёки интеллектуал салоҳияти билан моддий-молиявий жиҳатдан анча нарсага эришганлари кўпчиликни ташкил этади. Эр ва хотиннинг никоҳгача ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа битимлар асосида олган мол-мулки фақат ўзининг мулки ҳисобланади. Шу маънода эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки эса уларнинг никоҳ давомида орттирган, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган буюм ёки бошқа нарсалари бўлиши мумкин.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ёки никоҳ даврида тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилган шартнома у давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва албатта нотариал идора орқали тасдиқланиши шарт.

Никоҳ шартномасини тузишда томонларнинг паспортларига кўра шахслари аниқланади. Никоҳ тузишдан олдин никоҳ шартномасини тузишга келганлар билан нотариус томонидан суҳбат ўтказилгач ёки эр-хотиннинг никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаларига асосан, бу шартнома нотариал тасдиқланиш учун қабул қилинади. Нотариус шартноманинг мазмуни амалдаги қонунларга зид бўлмагандагина тасдиқлашга ҳақли.

Никоҳ шартномаси эр-хотин ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг суд жараёнида тўғри ва адолатли ҳал қилинишида ёрдам беради.

Муҳими, никоҳ шартномасини тузиш ихтиёрийдир. Яъни, бундай шаклдаги шартномани тузиш ёки тузмаслик эр ва хотиннинг ўзига боғлиқ.

Никоҳ шартномасининг яна бир афзаллиги шундаки, у ўзида нафақат эр-хотиннинг мол-мулкини вужудга келтириш ёки унинг ҳуқуқий тартибини ўзгартириш, шу билан бирга, эр-хотиннинг бир-бирига моддий таъминот беришини тартибга солишини ҳам акс эттиради. Шу боис, никоҳ шартномасини фақат мулкий низоларни ҳал қилишга ёрдам берувчигина эмас, балки никоҳни мустаҳкамловчи омил деб қараш ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, инсон ҳаёти давомида ҳар томонлама тўкис, осойишта, хотиржам ва бахтли яшаши учун, ҳуқуқий тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилса, қурилган оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлиши шубҳасиз.

Шаҳноза КАМОЛОВА,
Яккасарой туман ФҲДЁ бўлими мудири

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Техник имкониятлари энг янги дастурлар, шу жумладан, илғор график ва видео таҳрир қилиш дастурлари билан ишлаш имконини берадиган янги компьютер жиҳозлари сотиб олинди. Барча материаллар ва тайёр ресурслар марказнинг зарарли дастурлардан уч даражали ҳимоя тизимига эга бўлган вирусга қарши дастурлар билан ҳимояланган веб-серверларида сақланади. Муассасанинг мустаҳкам моддий-техник базаси юқори сифатли ахборот маҳсулотлари яратиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти ва ахборот-таълим портали шулар жумласидандир.

Бугунги кунда халқаро миқёсда эътироф этилган MOODLE – ўқитишни бошқариш тизими негизида Халқ таълими вазирлигининг масофавий таълим тизимини яратиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Масофадан ўқитишнинг муҳим мақсадларидан бири нафақат таълим жараёнининг барча иштирокчиларига, шу жумладан, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, педагоглар ва ҳатто ота-оналарга таълим ресурсларидан бевосита ва бепул фойдаланиш, балки электрон таълим ресурслари сифатини яхшилаш бўйича ўз таклифларини билдириш имкониятини яратишдан иборат. Интернет тармоғидаги таълим ресурси саҳифасига кириб, ўқувчи бу ерда ҳар қандай дарсликнинг электрон шаклини топиши, математика фанидан уйга берилган вазифадан бир нечта мисоллар ечиши, кимё фани бўйича лаборатория иши тўғрисида видеоролик томоша қилиши мумкин. Бундан ташқари, марказда халқ таълими тизими ходимлари ва педагоглар учун таълим жараёнида қўлланилаётган янги ахборот-коммуникация технологиялари билан танишиш ва улардан фойдаланишни ўрганиш имконини берувчи тренинг курслари ишлаб чиқилмоқда ва ўтказилмоқда.

– Яқинда биз электрон интерфаол доскалардан фойдаланиш бўйича курс ташкил этдик, – дейди Мультимедиали умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг тренингларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи Абдимуталиб Назирбоев. – Курсда пойтахтимиз умумтаълим мактаблари педагоглари ўқитилди. Тренинг давомида улар интерфаол доскалар тузилиши ва имкониятлари тўғрисида асосий назарий билимлар ҳамда улардан дарс давомида фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлди. Бундан ташқари, мактаб ўқитувчилари иштирокида электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича машғулотлар ўтказилиб, иштирокчилар муаллифлик электрон ресурслари учун асос бўладиган сценарийлар ёзиш ва макетлар яратишни ўргандилар. Энг яхши ишлар Халқ таълими вазирлигининг ахборот-таълим порталида жойлаштирилади.

Тошкент шаҳар 69-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси Моҳиба Пўлатова яратган «Лаборатория иши шаклидаги дарс» номли электрон ресурс энг намунали ишлардан бири бўлди. Мазкур дарс жараёнида ҳар бир ўқувчи микроскоп қурилиши ҳақида тушунчага эга бўлиб, олган билимларини амалда қўллай олади.



Асқар Ёқубов (ЎзА) олган суратлар

Бундан ташқари, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ марказда умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари учун чет тилларни ўрганиш бўйича электрон ресурслар ва мультимедиали қўлланмалар ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари иккинчи синф ўқувчилари учун электрон инглиз тили алифбоси ишлаб чиқилди.

Мухтасар айтганда, ахборот технологияларининг ривожланиши ва кенг оммалашиши таълим жараёнида янги усул ва услублар, ахборот ва услубий ресурслар тўплаш воситалари бўлган медиатекалар ва кутубхоналар яратишга кўмаклашмоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Юнусобод туманида жойлашган «Бободеҳқон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Мустаҳкам оила – жамиятимиз таянчи» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарлар

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АМАЛДА

Семинардан кўзланган асосий мақсад, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ҳамда иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига жалб этиш, оналар ва болалар саломатлигини тиклашга кўмак бериш, ёш оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар бериш тизимидан янада самарали фойдаланиш ҳақида фикрлашиб олишдан иборат бўлди.

Дарҳақиқат, ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш, бола тарбияси билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг билим даражасини ошириш, уларнинг касаначиликка бўлган эҳтиёжини ўрганиш, ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш каби масалалар шу куннинг долзарб масалаларидандир.

Шаҳримиз маҳаллаларида бугунги кунда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Уларга жойларда хизмат кўрсатиш шохобчалари, жумладан, умумий кир ювиш корхоналари, сартарошхона, кимёвий тозалаш шохобчалари ва бошқаларни ташкил этишда яқиндан кўмак берилаётир.

– Бизнинг маҳалламизда ҳам бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди, – дейди «Бободеҳқон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тоир Эргашев. – Ўн нафар боланинг суннат тўйи ва 59 та оиланинг «олтин тўйи»нинг ўтказилиши шулар жумласидандир. Ободонлаштириш ишлари доирасида маҳалла ҳудудида учта кўприк бунёд этилди. Ҳар шанба куни ҳашар ташкил этилади. Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, участка нозиримиз ва фаоллар томонидан ҳар куни учта оиланинг турмуш шароити ўрганилади.

Маҳалламизда пири бадавлат қариялар ҳолидан доимо хабар олиниб, кўнгиллари хушнуд этилади. Ҳар бир байрамда маҳалла жамғармаси ва ҳомийларимиз томонидан уларга совға-саломлар топширилади. Яқинда нафақадаги қарияларнинг саломатлигини яхшилаш мақсадида муҳим бир ишни амалга оширдик. Яъни бир ҳафта давомида 75-80 ёшдан ошган кексалар бепул лаборатория тиббий кўригидан ўтказилди.

Бундан ташқари маҳалламизда истиқомат қиладиган тадбиркорлар кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган қарияларга мунтазам равишда ҳомийлик кўмагини кўрсатишади.

Халқимизда «Битта болага етти қўшни ота-она» деган мақол бежиз айтилмаган. Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлод камолотига катта аҳамият қаратмоқдамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, маҳалламизни Тошкент шаҳридаги энг намунали маҳаллалар сафига қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз.

– Мустаҳкам оила – жамиятимиз таянчи,– дейди Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, 52-оилавий шифохона бош шифокори Кимёхон Шокирова. – Юртбошимиз томонидан жорий йил «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди. Обод турмуш мустаҳкам оиладан бошланади. Оиланинг ҳар бир аъзоси соғлом бўлсагина оила мустаҳкам бўлади.

Соғлом онадан соғлом бола дунёга келиши тўғрисида тиббиёт ходимларимиз маҳаллаларда тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Эрта турмушга чиқишнинг зарарли оқибатлари ёшларга мунтазам равишда уқтирилади.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда маҳалланинг ўрни беқиёс, албатта. Маҳалла ота-онанг, маҳалла – жамиятимиз пойдевори деб бежизга айтилмаган.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

«Камолот»

МАҲОРАТ МАКТАБИГА ТАШРИФ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»да «Юртимизга қўшқанот — биздир баркамол авлод» мавзуидаги тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, ёшларнинг Ватанга муҳаббат туйғуларини янада ошириш, иқтидорлиларни қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган келажак авлодни юртимизда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик руҳида тарбиялашдан иборат.

Ҳар томонлама билимли ва иқтидорли ёш ўғил-қизларнинг ижод намуналари йиғилганларнинг эътиборини тортди.

Тадбир давомида «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»нинг тақдимоти ҳамда қатор бадиий ижодкорлик тўгаракларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ижод намуналарининг кўргазмаси ташкил этилди.

Тумандаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» ҳақида батафсил маълумот берилди.

Марказда мураббийлар «Инглиз тили», «Рус тили», «Пазандачилик», «Компьютер саводхонлиги», «Рақс» ҳамда «Тикувчилик ва тўқувчилик» каби тўгаракларда ёшларга маҳорат сирларини ўргатишмоқда. Тўгаракларга 600 дан ортиқ ўқувчилар жалб қилинган.

Ҳар бир ишга меҳр билан ёндошилса, у албатта ижод намунасига айланади. Марказ ўқувчиларининг ана шу қоидага амал қилишаётгани қувонарлидир.

Ҳакима ЙЎЛЧИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 27 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 21-уй, 17-хонадонда жойлашган, умумий майдони 41,42 м.кв. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 46 424 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, С.Азимов 1-тор кўчаси, 4-уй, 1-хонада жойлашган, умумий ер майдони 432 м.кв., умумий бино майдони 467 м.кв. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган офис ва савдо дўкони. Бошланғич нархи – 483 190 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М. Риёзий кўчаси, 17-уй, 18-хонада жойлашган, умумий майдони 60,46 м.кв. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 81 971 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси, 72-уй, 22-хонада жойлашган, умумий майдони 143,33 м.кв. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 248 075 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Saodat jurnali» давлат корхонаси ўз номини «Saodat jurnali» унитар корхона қилиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади. «Saodat jurnali» давлат корхонасига нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел: 233-68-10

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 2008 йил 22 апрелда Халикова Зулфия Рахмановна номига берилган 4194 рўйхат рақамли В № 292015 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Миллий мусиқа созларини яратиш ва таъмирлаш халқ ҳунармандчилигининг азалий машғулоти саналади. Бундай ижодий изланишларга эндиликда иқтидорли ўқувчилар ҳам жалб қилинмоқда.

КОЛЛЕЖДА МУСИҚА МУЗЕЙИ

Республика Бадиий академияси ҳузуридаги мусиқа касб-ҳунар коллежларида ҳам бундай амалиёт йўлга қўйилган.

Республика бадиий коллежида эса мусиқа чолғу асбоблари ва уларни қайта созлаш бўлими фаолият олиб бормоқда. Эндиликда бу бўлим миллий созларни ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланмоқда.

Моҳир педагог ва қўли гул уста Олимхўжа Мелихўжаев саъй-ҳаракати билан қатор созлар намуналари яратилди. Миллий мусиқанинг жонкуяри сифатида яхши танилиб қолган уста устахонасида бўлган киши ғижжак, рубобларнинг бир неча турига кўзи тушади.

Орттирилган бой тажриба натижаси ўлароқ «Ўзбек чолғуларини ясаш ва таъмирлаш» деб номланган ўқув қўлланмаси юзага келди.

Бўлим ҳузурида эса соҳа бўйича экспонатларни ўзида жамлаган мусиқа музейи ҳам очилди.

Акбар АЛИЕВ

ҚАДИМИЙ ШАМЧИРОҚЛАР КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги Халқаро маданият карвон саройи (ХМКС)да «Қадимий шамчироқлар» номли кўргазма очилди. Кўргазма ушбу маърифат маркази илмий-маърифий фаолиятининг 10 йиллигига бағишланди.

Тадбир Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда ХМКС ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Кўргазмада археологик қазишмалар натижасида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан, жумладан, Сурхондарё вилояти Музработ туманида жойлашган қадимги I-II асрларга тегишли Кампиртепа, ўрта асрларга оид Шўроб қўрғон, Бойсун туманидаги Мунчоқтепа, Ангор туманидаги Ҳайрободтепа, Шеробод туманидаги Добил қўрғон, Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Қонқа ҳудудларидан топилган 50 дан ортиқ қадимий чироқлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Тақдимот доирасида археолог олимлар иштирокида мавзуга доир давра суҳбати ҳам ўтказилди.

Давра суҳбатида археолог олим Баҳодир Турғунов «Археология: кеча ва бугун», археологлар К.Шейко «ХМКС коллекциясидаги чироқлар», С.Савчук-Қурбонов «Шамчироқларнинг сеҳрли алангаси» ҳамда ХМКС реставратори Н.Алимова «Кулолчилик буюмларини қайта таъмирлаш усуллари» мавзусидаги маърузалари билан иштирок этишди.

«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ПОЛВОНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида кураш бўйича халқаро турнир уюштирилди.

Курраи заминнинг ўнга яқин давлатидан келган ўттиз нафардан зиёд полвон ғолиблик учун кураш олиб борган ушбу турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз Тошкентга ёруғ юз билан қайтишди.

Турнирда вазни 120 килограммгача полвонлар баҳсида ҳамюртимиз, жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони Қурбон Қурбонов кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, 74 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Осиё чемпиони Рашид Қурбоновга бронза медали насиб этди.

ШЕРЗОДНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Ҳаваскорлар ўртасида бокс бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати ҳамда қитъа ва жаҳон биринчиликларида анча муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Шерзод Ҳусанов профессионал боксда ҳам ўз маҳоратини намоён қилмоқда.

Шуниси қувонарлики, 2007 йилдан профессионал боксдаги фаолиятини бошлаган Шерзод Ҳусанов куни кеча Москва вилоятида ташкил этилган профессионал бокс кечасида яна зафар қучди.

Бу сафар ҳамюртимизга рақиб сифатида таллинлик чарм қўлқоп устаси Павел Семёнов 71 килограмм вазнда рингга кўтарилди ҳамда ўзидан беш ёш кичик бўлган мезбон боксчини Шерзод катта устунлик билан очколар ҳисобига енгди. Бу ҳамюртимизнинг ўн еттинчи ғалабаси ҳисобланади. Шунингдек, Шерзод россиялик бошқа бир чарм қўлқоп устаси Темур Неградзени ҳам мағлуб эта олди. Бу унинг Темур Неградзега қарши ўтказган иккинчи жанги бўлиб, дастлабки баҳс дуранг билан якунланган эди.

Профессионал боксда 69 килограмм вазнда икки йўналиш бўйича қитъалараро чемпионлик камари соҳиби ҳисобланган Шерзод Ҳусанов энди 9 март куни Гамбург шаҳрида албаниялик Фетион Муратига қарши рингга кўтарилади. Эслатиб ўтамиз, албаниялик боксчи шу кунгача ўтказган ўн еттита жангининг 13 тасида ғалаба қозонган, 2 та учрашувда мағлуб бўлган ва яна икки ўйинда дуранг натижа қайд этган.

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат

Пойтахтимизда тезкор шахмат бўйича ташкиллаштирилган Тошкент шаҳар биринчилиги якунига етди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Швейцария усулида тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада ФИДЕ устаси Никита Хорошев биринчи ўринни эгаллади. Сўнгги партияда Сирожиддин Нажмиддиновни мот қилган Никита очколари сонини 7,5 тага етказди.

Турнирда анча муваффақиятли қатнашиб очколарини 7,5 тага етказиб олган бўлишига қарамай Иброҳим Каримов қўшимча кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Шунингдек, чемпионат якунида 7 очко жамғарган Элбек Алиқулов учинчи ўрин билан кифояланди.

Чемпионат сўнгида ғолиб ва совриндорларга совринлар туҳфа этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Миллий матбуот марказида журналист, шоира Шамсия Худойназарованинг «Маҳбуб куйлар» китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ёш шоиранинг устозлари, касбдошлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

МАҲБУБ КУЙЛАР

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида туғилиб ўсган Шамсия Худойназарова Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шоира ўзининг «Сизга борар йўллар», «Юрак яп-роғи», «Кўксимдаги осмоним» каби китоблари билан ўз мухлислари қалбидан ўрин олган.

Шамсия Худойназарова журналистика соҳасида ҳам самарали хизмат қилиб, долзарб мавзудаги мақолалари билан элга танилган.

«Маҳбуб куйлар» китобида шоиранинг янги шеърлари, шунингдек, мумтоз услубларда ёзилган чистон, туюқ, рубоий ва мухаммасларидан намуналар жамланган.

– Китоб тақдимоти ҳар бир ижодкор учун бир қувончли байрам, – деди адабиётшунос олим Абдулла Улуғов. – Бундай байрамларга ҳар бир қалам аҳлини етказсин. Ҳақиқий шеър инсоннинг маънавиятини юксалтиради, руҳиятига завқ, сурур бахш этади. Ёш шоира Шамсиянинг шеърларида инсон қалбини улғайтиришга ҳисса қўша оладиган сатрларни кўплаб учратамиз.

Ватаннинг мафтункорлигию қудратини куйламаган шоир бўлмаса керак. Чунки, Ватан гўзаллиги, унинг эрки, тинчлиги ва фаровонлигини ёниб куйлаган сари шоирнинг ижоди ҳам кўкка бўй чўзиб бораверади. Буюк дард билан ёзилган шеър эса ҳар доим ўз ўқувчисини топади. Шамсия Худойназарованинг она ватанга атаб битилган шеърлари ҳам чуқур мулоҳаза ва мушоҳада билан ёзилганки, уни ёд этган ҳар бир ўқувчининг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати янада ошади.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

МУЗЕЙ ХОДИМЛАРИ ЎҚУВИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази томонидан турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларни фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича тайёргарликдан ўтказиш машғулотлари режа асосида олиб борилмоқда.

Навбатдаги ўқув машғулоти Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган музейларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида бўлиб ўтди. Тингловчиларга фуқаро муҳофазасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, фавқулодда вазиятларнинг таснифи, оқибатларини бартараф этиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг мақсад ва вазифалари ҳамда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш мавзуларига оид 14 соатлик дастур асосида назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг мутасадди ходимлари томонидан олиб борилаётган мазкур ўқув машғулотлари тингловчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари майор Ҳусан Бобонов, Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи катта лейтенант Элёр Аҳмадалиев, хизматчилар – Уммат Сувонов, Бахтиёр Мирзаевлар томонидан олиб борилаётган ўқув машғулотлари назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлиб, тингловчиларнинг бу борадаги амалий кўникмалари ва тажрибалари синов қилиниб, машғулотлар баҳс-мунозарали тарзда ўтказилди.

– Фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича муайян билимларга эга бўлдик. Сизларга катта раҳмат, — дейди Ғафур Ғулом уй-музейи раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Олмос Ғафурова.

– Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида икки кун давом этган машғулотларда биз тингловчилар етарли кўникмалар ҳосил қилдик, — дея ўз миннатдорчилигини изҳор қилди Юнус Ражабий уй-музейи ходими, таниқли хонанда Азиз Ражабий. – Энг муҳими, тингловчилар фавқулодда вазиятлар чоғида қандай ҳаракат қилиш зарурлигини, жабрланган аҳолига зудлик билан шошилинч ёрдам кўрсатиш усуллари хусусида маълумотларга эга бўлишди.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 18-моддаси, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруғи ижросини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бундай вазиятларда ҳаракат қилишга аҳолини тайёрлаш ишларининг Тошкент шаҳри ҳудудидаги корхона, муассаса, ташкилотларда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш режаларини қайта кўриб чиқиш бўйича талай ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида ўқув машғулотларини сифатли ва тўлақонли ўтказиш, тингловчиларни ўқув-услубий адабиётлар ва кўргазмали қуроллар билан таъминлаш мақсадида фуқаро муҳофазасига оид турли мавзуларда қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда.

2013 ўқув йили иш режасига асосан ўқув машғулотларидан ташқари, Тошкент шаҳри туманлари ҳудудидаги муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан маҳаллаларда машғулотлар ва суҳбатлар ўтказиш давом этмоқда.

Азамат СУЮНОВ

Шифобахш неъматлар

ЁНҒОҚ

Ёнғоқ минг хосиятли дарахт сифатида тавсифланади. Ёнғоқнинг мағизи, яшил қобиғи, барглари доривор маҳсулотлар ҳисобланади.

Ёнғоқнинг япроғи ва қобиғи буриштирувчи хусусиятга эга бўлиб, қон оқишига қарши фойдаси бор. Ёғи ел-ярага, сарамасга ва кўз атрофидаги оқма яраларга фойда қилади. Ёнғоқнинг мураббоси мижози совуқ меъдага фойдалидир. Ёнғоқ, айниқса қовурилгани киндик устига сепилса, ичак оғриқларини босади ва ични тўхтатади. Ёнғоқ мураббоси совуқ мижозли кишилар буйрагига жуда фойдалидир...

Ёнғоқ барглари тетиклаштирувчи, бардамлаштирувчи хусусиятга эга бўлиши билан бирга, тери касалликларида модда алмашинуви жараёнини яхшилайди, иллат (йиринг)ларнинг сўрилиб кетишига ёрдам бериб тузалишини жадаллаштиради.

Ёнғоқ мағзи ўз таркибида жуда кўп маъданли моддалар, асосан кальций, фосфор, темир, шунингдек, микроэлементлардан йод ва мис сақлайди. Шулар билан бир қаторда ёнғоқ мағзида жуда оз миқдорда натрий тузлари бўлганлиги туфайли, у буйрак касалликлари билан оғриган беморлар, подаграга йўлиққанлар ҳамда қон айланишининг бузилиши билан озорланган кишиларга тавсия этилади. Ёнғоқни ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар кўпроқ истеъмол қилишлари тавсия этилади. Кучли қувватбахш бўлиши сабабли, вазни оғир кишиларга маъқул келмайди. Ёнғоқ барглари асосида карион дори-дармони олинган бўлиб, ундан сил касаллигини даволашда фойдаланилади.

ЖИЙДА

Жийда жуда қадим замонлардан бери Ўрта Осиё халқларининг дастурхонини безаб келган хосиятли табиат неъматларидан бири ҳисобланади.

Жийда меваси таркибида 40-65 фоиз қанд моддаси, 11 фоиз оқсил, клетчатка, ёғ, ошловчи моддалар, органик кислоталар мавжуд. Булардан ташқари жийданинг юмшоқ қисмида калий ва фосфорли тузлар, В1, В2, РР, Е дармондорилари бор.

Халқ табобатида жийда меваси ёки унинг дамламаси болаларда учрайдиган ич кетишга қарши даво ҳисобланади. Дамлама нафас йўллари шамоллаганда ҳам тавсия қилинади. Бундай қайнатмалар ошқозон-ичак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Халқ табобати амалиётида жийданинг гуллари тана салқишида, лавша касаллигида, гижжа ҳайдовчи беозор восита сифатида, қулунж, бронхит, юрак касалликларида, барглари эса бод оғриқларида, шунингдек, жароҳатларни эт олдирувчи омил сифатида фойдаланилади.

Жийдани камқонлик (анемия), тери қазғоқланишида, бўй ўсмаслигида истеъмол этиш тавсия қилинади. Жийда мевалари киши аъзоларида туз-сув мутаносиблигини сақлаш учун, одамнинг фикрлаш қобилиятини ошириш учун ҳам истеъмол этилиши лозим.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бошқаларнинг ҳаёти ибрат.

* * *

Дўстлик насия бўлмайди.

* * *

Бир тубан кетсанг, қайта ўзингни ўнглаб олиш қийин.

* * *

Улуғлар суҳбатидан кўп нарса оласан.

* * *

Олиб ўрганган беришни билмайди.

* * *

Қани энди одамлар бошқаларга бўлгани каби ўзига ҳам талабчан бўлса?

* * *

Оғир кунда аразлар унутилиши керак.

* * *

Хаёлни чалғитадиган нарсалардан узоқроқ юрган маъқул.

* * *

Ҳаётнинг ҳисоб-китоблари олдида одам боласи ожиз.

* * *

Бахил ҳамиша тушиб юради.

* * *

Нимани истасанг, ўша сендан узоққа қочади.

* * *

Аччиқланган ютқазар.

* * *

Талаб имкониятдан келиб чиқиб қўйилиши керак.

* * *

Кишини тузадиган ҳам, бузадиган ҳам унинг муҳити.

* * *

Ўз ўзидан қониқмаслик – ақл эгаларига хос хусусият.

* * *

Ичга ютилган дард одамни адо қилади.

* * *

Кўпинча қўрққан нарсанг содир бўлади.

* * *

Иштаҳа – соғлик аломати.

* * *

Ҳар нарсанинг тўлови бор.

* * *

Одамнинг қадрига етмаган бировнинг меҳрига зор бўлади.

* * *

Яхши фарзанд ўзини ўзи кўтарар.

* * *

Олган унутса ҳам, берган унутмас.

* * *

Ичи қора кимса дўстликка ярамайди.

* * *

Еган унутилса ҳам, деган унутилмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик (ёмғир ёғиб, қорга айланиши мумкин) бўлади, туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 0 даража атрофида, кундузи — 3-5 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 февралда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни ётказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 241
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13549 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ